

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АСАДУЛЛАЕВ УЛУГБЕК МАКСУДОВИЧ

**ОККЛЮЗИОН ГИДРОЦЕФАЛИЯ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН БОШ
МИЯ ЎСМАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОХЛИК ЙЎЛИ
БИЛАН ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Асадуллаев Улугбек Максудович

Окклюзион гидроцефалия билан асоратланган бош мия ўсмаларини
ташхислаш ва жаррохлик йўли билан даволаш усулларини
такомиллаштириш..... 3

Асадуллаев Улугбек Максудович

Совершенствование диагностики и хирургического лечения
новообразований головного мозга, осложненных окклюзионной
гидроцефалией..... 25

Асадуллаев Улугбек Максудович

Improvement of diagnostics and surgical treatment of brain tumors
complicated with occlusive hydrocephalus..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА
ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Tib.62.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АСАДУЛЛАЕВ УЛУГБЕК МАКСУДОВИЧ

**ОККЛЮЗИОН ГИДРОЦЕФАЛИЯ БИЛАН АСОРАТЛАНГАН БОШ
МИЯ ЎСМАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА ЖАРРОХЛИК ЙЎЛИ
БИЛАН ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.28 – Нейрохирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib183 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган илмий амалий нейрохирургия тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.uzniito.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Кариев Гайрат Маратович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Йоко Като
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Япония)

Ахмедиев Махмуд Мансурович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шодиев Амиркул Шодиевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Шеффилд Университети Хэллэмшир
Қироллик госпитали**
(Буюк Британия)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.02.2018.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Маҳтумқули кўчаси, 78-уй. Тел.: (+99871) 233-10-30; факс: (+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

М.Ж. Азизов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари номзоди, катта илмий ходим

И.Ю. Ходжанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бош мия ўсмалари болалар онкологик касалликлари орасида 26%ни, катталарда эса бирламчи ўсма касалликларига нисбатан камроқ, ўртача 2%ни ташкил этади, бинобарин жуда хавфли касаллик ҳисобланиб, 60% ҳолатда ўлимнинг сабаби бўлиб қолмоқда¹. Бош мия ўсмалари бўлган беморлар ҳолатининг оғирлашиши иккиламчи гидроцефалиянинг ривожланишига бевосита боғлиқ ва кўп ҳолатларда мазкур ўсмалар иккиламчи окклюзион гидроцефалия (ОГЦ) билан асоратланади.

Дунёда бош мия ўсмалари, жумладан иккиламчи гидроцефалия билан асоратланган ҳолатларда касалликни эрта босқичда ташхислаш ва хирургик даволашнинг янги ёндошувлари ва усуллари ишлаб чиқиш бўйича бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада вентрикулоперитонеостомия (ВПС), эндоскопик вентрикулоцистерностомия (ЭВЦС) ва вентрикулоцистерностомия (ВЦС), ташқи вентрикуляр дренажлаш (ТВД) усуллари, синусда ва стернал шунтлаш, бош мия Сильвий сув йўлини стентлаш ва ўсмаларни олиб ташлаш услубларида ликвор йўлларини коррекция қилишдан фойдаланиш каби хирургик даволаш усуллари такомиллаштирилган. ОГЦни бартараф қилиш, айниқса операциядан кейинги гидроцефалия ривожланиш даражасини камайтириш ва унга сабаб бўлувчи ЭВЦС орқали профилактик шунтлаш масалалари долзарб ҳисобланади. Бинобарин операциядан кейинги даврда асоратларнинг ривожланишига таъсир қилувчи хавф омилларини аниқлаш, гидроцефалияни коррекция қилиш муддатини операциядан аввал, операция вақтида ёки ундан кейин белгилаш масаласи эътибордан четда қолмоқда ва оптимал даволаш усуллари беморларнинг ҳолатига нисбатан ишлаб чиқиш муаммо бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда бош мия ўсмаларини диагностика қилиш ва даволаш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилди, жумладан, ўсмаларни жаррохлик йўли билан резекция қилиш, ОГЦда ликворошунтлаш усуллари такомиллаштирилди. Шулар билан бир қаторда бир қанча муаммолар мавжуд. Улар орасида бош мия ўсмаларини хирургик даволашдан кейинги асоратларни олдини олишга қаратилган эндоскопик усулларни ишлаб чиқиш ва операция давомида кесилган анатомик қатламлар ҳамда юмшоқ тўқималар ҳолатини тиклаш долзарб ва муҳимдир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида² «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган дастлабки бўғини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш» вазифалари белгиланган. Бу борада ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмаларини тиббий ёрдамнинг

¹ www.cancer.org /American Cancer Society / Cancer Facts & Figures , 2018.-Table 1.- pp 4; 12-14.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

бирламчи бўғинида эрта аниқлаш, унинг асоратларини олдини олиш, жаррохлик муолажаларини беморнинг ва касалликнинг хусусиятларини инобатга олган холда тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7 феввалидаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини келгусидаги стратегик ривожланиши тўғрисида»ги Фармони, 2017 йилнинг 20 июнидаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни ривожлантириш тўғрисида»ги қарорларини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмаларини ташхислаш ва даволаш масалаларига оид тадқиқотлар дунёнинг етакчи тиббиёт марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан: Hospital for Sick Children, University of Toronto, Alberta Children's Hospital University of Calgary (Канада), St. Louis Children's Hospital, Johns Hopkins Hospital, Stanford Hospitals and Clinics, University of Texas MD Anderson Cancer Center, Harvard medical school, (АҚШ); The University of Sheffield Royal Hallamshire Hospital (Буюк Британия), Fujita Health University Banbuntane Hotokukai Hospital (Япония); Н.Н. Бурденко номидаги Нейрохирургия илмий текшириш институти, Тюмень федерал нейрохирургия маркази, Новосибирск федерал Нейрохирургия маркази (Россия Федерацияси); Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий нейрохирургия тиббий маркази, илмий-амалий маркази ва Тошкент тиббиёт академияси клиникасида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

Иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари диагностикаси ва жаррохлик даволаш борасида ўтказилган илмий тадқиқотлар бўйича қатор, эндоскопик вентрикулоцистерностомия усуллари (Johns Hopkins Hospital, USA; New York Presbyterian Hospital, USA; Oslo University Hospital, Norway); бош мия қоринчалари ва қорин бўшлиғи орасида клапанли шунтлаш жаррохлик муолажалари (А.П.Ромоданов номидаги нейрохирургия илмий текшириш институти, Украина; Н.Н. Бурденко номидаги нейрохирургия илмий текшириш институти, Россия Федерацияси); юмшоқ тўқималарда бўладиган операцион шикастларни имкон қадар камайитиришга ва асоратлар профилактикасига қаратилган жаррохлик услублари (Казань давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси) ишлаб чиқилган. Ўсмаларни олиб ташлаш бўйича бажарилган операциялардан кейинги даврда

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.sickkids.ca/>; <https://research4kids.ucalgary.ca/>; <https://www.stlouischildrens.org/>; <https://www.hopkinsmedicine.org/>; <https://stanfordhealthcare.org/>; <https://hms.harvard.edu/>; <https://www.nsi.ru/>; <https://www.inha.com/eng/>; <http://neuro.uz/> ва бошқа сайтлар асосида амалга оширилди.

беморларда нохуш асоратларга сабаб бўлувчи омиллар аниқланган (Hospital for Sick Children, University of Toronto, Alberta Children's Hospital University of Calgary, Канада). Неврологик бузилишлар, ногиронлик ва ўлим асоратларининг камайишига таъсир этувчи ликворшунтлаш амалиётларининг турли усуллари ва оддий резина найчадан тортиб, силикон клапанли тизимларгача ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилган (Ўзбекистон Республикаси).

Бугунги кунда дунё миқёсида иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари диагностикаси ва жарроҳлик давосига қаратилган қатор, гидроцефалиянинг ривожланиш патогенезини аниқлаш; жарроҳлик услубини танлаш, жарроҳлик усулида даволашни босқичма-босқич ва комплекс равишда ўтказиш, бош мия ўсмаларини қисман ёки буткул олиб ташлаш кўрсатмаларини ишлаб чиқиш, беморнинг умумий ҳолатига асосланган ҳолда хирургик муолажаларни белгилаш, самарали ликвор циркуляциясини тикловчи операция усуллари тақомиллаштириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иккиламчи гидроцефалия билан асоратланган бош мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш ҳозирги кунда паллиатив операцияларни – Торкильдсен бўйича ВЦС, ВПС, учинчи қоринча тубининг ЭВЦСси + қоринчалар қон томирли тутамлари коагуляциясини ҳамда ўсманинг ўзини радикал олиб ташлаш амалиётларини ўз ичига олади. Шунингдек маълум ҳолатларда Арендт бўйича вентрикулостомия ҳам ўз аҳамиятини хануз йўқотмай, ўткир гидроцефал хуружларда беморлар ҳаётини сақлашда асосий тезкор даво услуги сифатида қўлланилиб, кўпинча иккинчи босқич - радикал операция учун тайёргарлик вазифасини ҳам ўтамоқда. (Kulkarni A.V. et al., 2016).

Бош мия қон айланиши жараёни, резорбция ва циркуляция ҳолатларида ликвор тизими муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлар натижасида (Bradley W.M., 1999; Karimov J.K., 2016) аниқланишича, физиологик ва патологик шароитларда, ликвороциркуляциянинг бузилиши, асосан бош миянинг «ички» механизмларидаги носозлик оқибатида юзага келади. Шунингдек қон томирли тутамларнинг регуляторлик аҳамияти, яъни уларнинг магистрал қон томирлар ҳавзаси ва ўтувчи бош мия капиллярлари ўртасидаги оралик звено сифатидаги аҳамияти эътиборга олинади. Гидроцефалиянинг давосига таъсир этувчи муҳим омил, гидроцефалиянинг ўзининг патогенезининг турлича бўлишидир, бир тури иккинчисига ўтувчи мураккаб турдаги гидроцефалияларда қоринчалар тизимида обструкция бўлган ҳолда ликвор резорбциясининг кучсизлиги ҳам аниқланади (Van Lindert E.J., 2006).

Бундан ташқари хориоид тутамлардаги тугунчаларнинг ҳам ликвороциркуляциядаги алоҳида роли ўрганилган. Япониялик муаллифлар тадқиқотларига кўра уларнинг гистогенезидаги генетик мутация очик гидроцефалияга сабаб бўлиши аниқланган (Keishi Narita et al.). ЭВЦС учинчи ва ён қоринчалар кескин кенгайиши, тўртинчи қоринчанинг эса торайиши кузатилганда (Сильвий йўли обструкцияси оқибатида) бажариладиган,

патофизиологик асосланган операция хисобланади (Омаров А.Д., 2011; George I., 2005; Саникидзе А., 2014). Обструктив гидроцефалияни миниинвазив ЭВЦС йўли билан хирургик даволашда миёда ёт жисм (шунт)ларнинг қолдирилмай ва ўсма туфайли тўсилиб қолганлиги сабабли бошқа ликвор йўллари тиклаш катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, бу борада талай илмий мақолалар мавжуд. Натижада ЭВЦС обструктив турдаги гидроцефалия учун танлов операцияси сифатида эътироф этилди ва у турли Сильвий йўли стенози, учинчи қоринча орти ўсмалари, миёча инфаркти, Денди-Уокер аномалияси, Гален венаси аномалияси, сирингомиелиянинг Киари ёки Киари мальформациясиз шаклларида, интравентрикуляр гематомалар, постинфекцион, нормал босимли гидроцефалиясида, миеломенингоцеле, мультиокуляр гидроцефалияда, энцефалоцеледа, шунт дисфункциясида, калланнинг орқа чуқурчаси ўсмаларида ва хатто краниосиностозларда ҳам қўлланилиб келмоқда (Yadav Y.R et al, 2012).

Бироқ қулай услуб ҳам ўз навбатида маълум иккиламчи муаммоларни келтириб чиқаришдан холи бўлмади. Ҳосил қилинган вентрикулоцистерностоманинг қайта окклюзия ҳолатлари ҳам учрай бошлади. Бунинг сабаби, арахноидал парданинг постоперацион иккиламчи адгезив битишма ҳосил қилиши, қон лахталари қолиши (субарахноидал қон қуйилиши) ёки ўсманинг ўзини ўсиш жараёни қайта обтурацияга олиб кела бошлади (Омаров А.Д., 2011; Peretta P., 2009). Маълум муаллифлар эътирофига кўра, ЭВЦСнинг самарадорлиги узок муддатга гидроцефалияни назорат қила олиш имконияти ҳамда қўшимча ёт жисмнинг миё ичида бўлмаслиги сабабли 70-90% ни ташкил қилди (Коршунов А.Е., 2005; Омаров А.Д., 2011; Di Rocco C., 2006; Peretta P., 2009; Dusick J.R., 2008; Gaab M.R., 1988; Garton H.J., 2002; Isaacs A.M., 2016). Шунга кўра тадқиқот муаллифларининг фикрлари турлича бўлиб, ликворшунтлаш операциялари даволашнинг дастлабки босқичи сифатида, бир вақтнинг ўзида ёхуд радикал операциядан сўнг ҳам қўлланади (Kulkarni A.V. et al., 2017; Gopalakrishnan C.V. et al, 2012).

Шу билан бир қаторда эндоскопик вентрикулоцистерностомиянинг самарадорлиги ўсмаларнинг малигнизация даражаси билан ҳам боғлиқ. Баъзи муаллифларнинг таъкидлашича, ЭВЦСни юқори даражадаги хавфли ўсмаларда қўллаш хавфсиз ўсмаларда қўллашга нисбатан самарасиздир (Norf N.J., 1999; Dusick J.R., 2008).

Яна бир олим ўз тадқиқотида ЭВЦС ўтказилган беморларнинг 50%га стоманинг қайта обтурацияси сабаб шунтлаш амалиётини қўллашга мажбур бўлган ва уларда юқори даражадаги хавфли ўсма аниқлаган (Yamini B., 2004). Коршунова А.Е. маълумотларига кўра эса 36,9% ҳолатда хавфли ўсмалари бўлган беморларда вентрикулостома дисфункцияси операциядан кейинги бир йилдан сўнг кузатилмаган (Коршунов А.Е., 2005).

Муаммони кенг муҳокамасига қарамасдан, ўз вақтида диагностика қилиш ва жарроҳлик даволаш услублари хусусида ягона ечимга кела олинмаганлиги мазкур касалликнинг долзарблигини янада оширади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассаса-

сининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертацион тадқиқот Республика ихтисослаштирилган Нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази режасига мувофиқ АДСС-8.1-сон «Бош мия касалликлари жарроҳлик давосида миниинвазив услубларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш» ва АДСС-8.1-сон «Бош мия чуқур тузилмалари ўсмалари жарроҳлик давосини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш» ҳамда ПЗ-20170929221 «Бош мия ўрта чизигида жойлашган ўсмалари оптимал жарроҳлик давосини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш» мавзулари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия чуқур тузилмалари ўсмалари бўлган беморларда касалликнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда диагностика ва хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат .

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия чуқур тузилмалари ўсмаларининг анатомик ўсиш вариантларига, ҳажмига ва бемор умумий ҳолатининг оғирлик даражасига кўра касалликнинг клиник-неврологик кечишининг хусусиятларини ўрганиш;

ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмаларида клиник-офтальмо-неврологик, нейровизуализацион ва акустик бош мия устунли потенциалларининг (АМУП) операциядан олдинги даврда аҳамиятини ва диагностик қийматини баҳолаш;

гидроцефалия морфометрик кўрсаткичларининг (Эванс индекси-ЭИ, қадоқсимон тана бурчаги-ҚТБ, бош мия қоринча атрофидаги шиш-ҚАШ) ва мамилло-понтин дистанциянинг (МПД) прогностик ва диагностик аҳамиятини аниқлаш;

ОГЦнинг оғирлик даражаси критерийларини морфометрик кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали ишлаб чиқиш;

ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморларнинг клиник-неврологик ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолашнинг ишончли шкаласини ишлаб чиқиш;

ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморларда даволашнинг турли (бир- ва икки босқичли) хирургик усуллари натижаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида дифференциал хирургик ёндашув алгоритминини ишлаб чиқиш;

турли постоперацион асоратлар (жароҳат ликвореяси, ликвороциркуляция тикланишидаги камчилик, инфекция-яллиғланиш) ривожланишининг сабабларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш бўйича асосланган профилактик усулларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида иккиламчи асоратланган ОГЦ бўлган бош мия ўсмалари ташхиси билан 554та бемор танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморлар ва клиник-неврологик, нурли текширувлар натижалари.

Тадқиқотнинг методлари: Тадқиқотда умумклиник (офтальмологик),

неврологик (Карновский ва Лански шкаласи ва беморнинг клиник-неврологик ва ижтимоий ҳолатига баҳо берувчи), радиологик (магнит-резонанс ва компьютер томография), нейрофизиологик (АМУП) ва статистик усуллар қўлланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморларнинг оғирлик даражасини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилиб, унинг асосида яратилган касалликнинг оғирлик даражасини интеграл баҳолаш алгоритми ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашнинг адекват тактикасини белгилашга имкон бериши исботланган;

постоперацион ликворея, псевдоменингоцеле ва йирингли яллиғланиш асоратларини олдини олишга ва мия қаттиқ пардаси дефекти пластикаси учун аутотўқима ажратишга имкон берувчи субокципитал жаррохлик краниотомияси ва қўшимча Торкильдсен вентрикулоцистерностомиясида қўлланиладиган модификацияланган Y-симон тери кесими ишлаб чиқилган;

бош мия ўсмалари бўлган беморларда иккиламчи ОГЦ даражасини ишончли аниқлаш учун МРТ ўрта сагиттал кесимларида МПДнинг диагностик ва прогностик аҳамияти исботланган;

ликвор циркуляциясини қайта тиклаш имконини берувчи эндоскопик вентрикулоцистерностомия (ЭВЦС) ёрдамида бажариладиган икки босқичли операциялар устуниги исботланган;

иккиламчи ОГЦ даражасини, бош мия ўсмаси хажмини ва сифатини, МПД ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал хирургик тактика ишлаб чиқилган;

бош мия ўсмаларини жаррохлик йўли билан олиб ташлашда интраоперацион акустик мия устунни потенциали (АМУП)ни қўллаш хирургик агрессияни назорат қилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашнинг адекват тактикасини белгилашга имкон берувчи касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш тартиби тавсия этилган;

гидроцефалия даражасига баҳо беришга ва беморларда операциядан аввал ва кейин гидроцефалиянинг ўзгариш динамикасини тўлиқ кузатиб боришга имкон берувчи бош мия МРТда аниқланадиган МПД морфометрик ўлчами тавсия этилган;

радикал ва паллиатив даво услубини танлашга имкон берувчи иккиламчи ОГЦ даражасини, бош мия ўсмаси хажмини, хирургик услубини танлаш дастури ишлаб чиқилган;

калла ва бош мия тузилмаларини анатомик ҳолатини максимал сақлаш ва операциядан кейинги ликворея, псевдоцеле каби нохуш асоратларни олдини олишга қаратилган тери кесмасининг модификацияси ҳамда қаттиқ мия пардасининг пластикаси тавсия этилган;

бош мия ўсмаларида операциянинг жароҳатлилигини олдини олиш, мия

устуни, ўрта мия, ромбсимон чуқурча каби муҳим анатомио-физиологик структуралар интактлигини сақлаб қолишга имкон берувчи акустик мия устуни потенциалларини интраоперацион қўллаш услуби таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектив клиник-неврологик, нейрофизиологик - АМУП, рентгенологик, МСКТ ва МРТ текширувлари ва статистик таҳлил натижалари орқали тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморларда постоперацион ликворея, псевдоменингоцеле ва йирингли-яллиғланиш асоратларини олдини олишга ва мия қаттиқ пардаси дефекти пластикаси учун аутотўқима ажратишга имкон берувчи ўрта субокципитал жаррохлик краниотомияси ва қўшимча Торкильдсен вентрикулоцистерностомиясида қўлланиладиган модификацияланган Y-симон тери кесмаси ишлаб чиқилиши ва МРТ ўрта сагиттал кесимларида МПДнинг диагностик ва прогностик аҳамиятининг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЭВЦС ёрдамида бажариладиган икки босқичли операцияларнинг ликвор циркуляциясини қайта тиклашда устунлигининг исботланиши, беморларда индивидуал хирургик тактикани белгиланиши, бош мия ўсмаларини жаррохлик йўли билан олиб ташлаш амалиётида интраоперацион АМУПни қўллаш хирургик агрессияни назорат қилиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморларда ташхислаш ва хирургик даволаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида:

«Бош мия ўсмаларида жаррохлик тактикасини яхшилаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 сентябрдаги №8н-р/186-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома беморларда ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмасини даволаш тактикасини такомиллаштириш имконини берган ва иккиламчи ОГЦ даражасини, бош мия ўсмаси хажмини, хирургик услубини танлаш дастури таклиф этилган ва беморларда индивидуал хирургик тактикани белгилаш имконини берган;

тавсия этилган иккиламчи ОГЦ даражасини, бош мия ўсмаси хажмини ва сифатини, МПД ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал хирургик тактика беморларда бир ёки икки босқичли операциялар хажмини белгилаш ва асоратлар хавф омилларини камайтириш имконини берган;

ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаси, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-сон клиникаси, Андижон вилоят онкологик диспансери амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21

сентябрдаги №8н-р/186-сон маълумотномаси). Натижада беморларда асоратлар 2,7 ва ўлим 1,5 баробарга камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8та халқаро ва 3та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 89 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 16та, жумладан, 13таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация кириш, 7та боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг хажми 194 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммонинг долзарблиги, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, изланиш объекти ва предметлари ёритилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, мавзу юзасидан хорижий адабиётлар шарҳи келтирилган, олинган натижаларнинг жорийланиши, чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.


Диссертациянинг «**Окклюзион гидроцефалия билан асоратланган бош мия ўсмаларини ташхислаш ва жаррохлик йўли билан даволаш муаммоларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган, унда бош мия ўсмаларининг диагностика ва даво услубидаги муаммоларининг тиббий-ижтимоий аҳамияти, иккиламчи ривожланган гидроцефалиянинг этиопатогенетик омиллари, ушбу патологияни жаррохлик йўли билан даволашни радикал ва паллиатив усуллариининг замонавий ҳолати кенг ёритилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал ва тадқиқот усуллари тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектига тавсиф берилган, олдида кўйилган вазифаларни ҳал этишдаги услуб ва услубий ёндашувлар келтирилган. Илмий ишда 2007-2017 йиллар давомида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмалари бўйича даволанган 544 беморнинг текширув ва даволаш натижалари проспектив ўрганилган. Беморларда бош мия ўсмаси турлари ва миянинг турли қисмларида жойлашганлиги аниқланган. Улардан 443 беморга операция ўтказилган, улар икки гуруҳга: асосий ва назорат гуруҳларига ажратилган. Назорат гуруҳидаги 221 беморда фақат ўсма олиб ташлаш амалиёти бажарилган. Асосий гуруҳда эса 222 бемор бта кичик гуруҳларга ажратилган ва турли жаррохлик амалиёти вариантлари қўлланилган. Даволаш сифатини баҳолаш беморларда операциядан аввал ва кейин (шунингдек операциядан кейинги кечки даврда

6-12 ойдан сўнг) клиничко-неврологик ҳолатини баҳолаш ва уларни ўзаро таққослаш орқали амалга оширилди. Асосий ва назорат гуруҳларидаги беморларни даволаш натижалари диагностик ва прогностик предикторлар аҳамиятини ўрганиш, ҳаёт сифати даражасини аниқлаш мақсадида корреляцион ва статистик таҳлил қилинди (ишончлилик мезони $p < 0,05$ деб белгиланди).


ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш услублари техникаси тулиқ таърифланган. Асосий гуруҳ беморлари бта кичик гуруҳларга ажратилиб, уларда қуйидаги тартибда операциялар бажарилган: 1-кичик гуруҳ - паллиатив (турли ликворшунтлаш муолажалари); 2-кичик гуруҳ - симультан ЭВЦС + ўсма резекцияси; 3-кичик гуруҳ - икки босқичли ЭВЦС + ўсма резекцияси; 4-кичик гуруҳ - Торкильдсен бўйича вентрикулоцистерностомия (ВЦС) ҳамда ўсма резекцияси; 5-кичик гуруҳ - вентрикулоперитонеостомия (ВПС) + ўсма резекцияси; 6-кичик гуруҳ - беморларида ташқи вентрикуляр дренажлаш (ТВД) операциялари ўтказилган ва уларнинг таърифи келтирилган.

«Иккиламчи окклюзион гидроцефалия билан асоратланган бош мия ўсмаларининг клиник тавсифи» деб номланган учинчи бобда ОГЦнинг ўсма жойлашган жойига нисбатан клиник кечишидаги ўзига хосликлар кўриб чиқилди. Клиник-неврологик, инструментал маълумотлар, беморлар ҳаёт сифати батафсил таҳлил қилинди. ОГЦни ўрганиш учун Эванс кўрсаткичи, мамилло-понтин дистанцияси (МПД) (1,2-расм), қадоқсимон тана бурчаги (ҚТБ), перивентрикуляр шиш (ҚАШ) ҳолатлари ўрганиб чиқилди. Таққослама таҳлил натижасида МПД ўлчамининг юқори специфик ва юқори сезувчанликка эгаллиги ва гидроцефалия белгиларини аниқ кўрсатувчи морфометрик кўрсаткич эканлиги аниқланди.



1-расм. Бош мия МРТсининг ўрта сагиттал кесмаси схематик тасвири ва унда МПД ўлчаш схемаси (сўрғичсимон таналарнинг пастки ва Варолиев кўпригининг юқори-олд юзалари орасидаги масофа аниқланади).

МПД маълумотларининг корреляцион таҳлили ўтказилди. Мазкур таҳлил натижаларига кўра ОГЦнинг даражалари таклиф этилди (1-жадвал).



2-расм. Бемор Б, 25 ёш. МПДнинг операциядан аввалги ва кейинги ҳолати.

1- жадвал

Гидроцефалиянинг МПД ўлчамларига нисбатан оғирлик даражалари

Гидроцефалия даражалари	МПД ўлчамлари
Норма (гидроцефалия йўқ)	МПД 9 мм ва ундан катта
Енгил (I) даражали	МПД 5,1-8,9 ммга тенг
Ўрта (II) даражали	МПД 2,1-5,0 ммга тенг
Оғир (III) даражали	МПД 0-2,0 ммга тенг

«Иккиламчи окклюзион гидроцефалия билан асоратланган бош мия ўсмалари бўлган беморларнинг оғирлик даражасини интеграл баҳолаш натижалари» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилди ва далилларга асосланган ҳолда тиббий статистик таҳлил қилиниб, интеграл баҳоланди. Беморлардаги клиник-неврологик бузилишлар даражаси ва ҳаёт сифатини баҳолаш ва даволаш тактикасини белгилаш учун дастурлар комплекси ишлаб чиқилди: «Окклюзион гидроцефалия даражаси ва ўсма ҳажмини, жарроҳлик услубини аниқлаш дастури» (Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси №DGU03790, 13.06.2016); «Беморлар клиник-неврологик ва ижтимоий ҳолатини миқдорий ва сифат кўрсаткичларини интеграл баҳолаш алгоритми» (Интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси №№ DGU05710 12.06.2018). Мазкур дастур оммабоп неврологик ва офтальмологик текширувларга асосланган бўлиб, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида эркин қўллашга ва критик гидроцефалиядек нохуш асоратларни олдини олишга имкон беради. Бу шкала қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал):

2-жадвал

«Иккиламчи ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмаси аниқланган беморлар клиник-неврологик ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш» шкаласи

Клиник белгилар	Белгилар тавсифи	Балл
I. Неврологик статус (80 балл)		
Гипертензион-гидроцефал синдром	Йўқ	0
	Енгил ифодаланган (бир ёки иккита умумий симптомларидан иборат)	5

(ГГС)	Ўртача ифодаланган (2 ёки 3 та умумий симптомлари ёки фақат қусиш)		10	
	Кескин ифодаланган (умумий симптомлари ва доимий қусиш), ГГС эс-хуш бузилиши, енгил даражадаги қарахтлиқ (Глазго кома шкаласи (ГКШ)=13-14)		20	
	ГГС эс-хуш бузилиши билан (ГКШ=11-12) чуқур қарахтлиқ		30	
	Эс-хуш бузилиши (ГКШ≤10) ёки ГГСсиз		40	
Координатор дисфункция	Йўқ		0	
	Ўртача атаксия (Координатор дисфункциянинг 1 ёки 2 белгиси)		2	
	Кучли ифодаланган атаксия (2 ёки 3- координатор дисфункциянинг белгиси)		4	
	Кескин ифодаланган атаксия – координатор дисфункцияси барча белгилари, мустақил юра олмаслик		6	
	Эс-хуши йўқолгани сабаб координатор функциясига баҳо бериб бўлмайди, ГКШ≤12		10	
Мия устунли дисфункцияси	Йўқ		0	
	Минимал мия устунли дисфункцияси (бир/бир неча окуломотор ядролар, 11 ёки 12 жуфт нерв ядроларининг алоҳида шикасти)		5	
	Кучли ифодаланган мия устунли дисфункцияси (1 та окуломотор + 11,12 жуфт нерв ядролари шикасти/ёки вертикал нистагм/9-10 жуфт нервлар ядроси шикасти)		10	
	Кескин ифодаланган «тўлиқ» мия устунли дисфункцияси (вертикал нистагм+бир неча бош мия нервлари ядролари шикасти/барча окуломотор ядролар шикасти, барча каудал нервлар ядроси (9-10+11-12) шикасти, ёки баъзиларининг комбинацияси)		15	
	Эс-хуши бузилгани сабабли мия устунли функцияларига баҳо бериб бўлмайди, (ГКШ≤10)		20	
Кўрув фаолияти бузилишлари (VISUS)	1		0	0
	0,8-0,9		1	1
	0,7-0,5		2	2
	0,4-0,2		3	3
	0,1 ва ундан паст		4	4
	0		5	5
	Кўрув фаолиятига эс-хуши бузилгани сабабли баҳо бериб бўлмайди, (ГКШ<14).		10	
	Умумий балл		0-10	
II. Хаёт сифати (10 балл)				
Ижтимоий онгли фаолият	Болалар	Катталар	0	
	Тўлиқ мустақил ҳолат	Ўзига ўзи хизмат қила олади ва меҳнатга лаёқатли		
	Ўзлаштиришнинг чекланиши. Мулоқот ва ўйинларга қизиқиши суст.	Ўзига ўзи хизмат қилишда чекланиш, атрофдагиларнинг доимий ёрдамига	3	

		муҳтож. Меҳнат лаёқати кескин пасайган.		
	Ўрганишга қизиқмайди. Ўйинга ва атрофдагилар билан мулоқотга қизиқмайди	Ўзига ўзи хизмат қила олмайди, атрофдагиларнинг доимий ёрдамига муҳтож. Меҳнатга лаёқат йўқ.	6	
	Уй шароитида мустақил ўзини эплай олмайди		10	
III. Параклиник текширувлар (10 балл)				
Офтальмоскопия	Кўз туби ҳолати		Ўнг	Чап
	КНД (кўрув нерви диски)да димланиш йўқ (тўр парда ангиопатияси, ангиоспазми, ангиосклерози)		0	0
	КНД бошланғич димланиши		1	1
	КНД кучли ифодаланган димланиши		2	2
	КНД кескин ифодаланган димланиши		3	3
	КНД димланиши атрофиясига ўтиш билан		4	4
	КНД атрофияси		5	5
	Умумий		0-10	

Ушбу шкала беморларни оғирлик даражаси, клинко-неврологик ва ижтимоий ҳолати бўйича 5 та гуруҳга тақсимлайди (3-жадвал).

3-жадвал

Беморларнинг оғирлик даражаси, клинко-неврологик ва ижтимоий ҳолати бўйича тақсимланиши

Балл	Касалликнинг оғирлик даражаси	Баллар тавсифи
0 балл		Деярли соғлом одам
1-19 балл	Енгил оғирлик даражаси	Беморнинг ҳолати компенсацияланган, меҳнат қила олади, неврологик дефицит йўқ ёки минимал
20-39 балл	Ўрта оғирлик даражаси	Беморнинг ҳолати субкомпенсацияланган, вақтинча атрофдагилар ёрдамига муҳтож, меҳнатга лаёқат кескин пасайган, неврологик дефицит кучли ифодаланган
40-59 балл	Оғир даража, мия устунни дисфункцияси билан кечади	Беморнинг ҳолати декомпенсацияга яқин, атрофдагиларнинг доимий ёрдамига муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз, оғир неврологик дефицит
60-79 балл	Оғир даражаси кескин ифодаланган мия устунни дисфункцияси, бульбар бузилишлар кузатилади	Беморнинг ҳолати декомпенсацияланган, бемор бошқалар кўмагига доимий муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз, оғир даражадаги неврологик дефицит
80-100 балл	Ўта оғир даража.	Бемор ўта декомпенсацияланган, мустақил яшай олмайди, ўта оғир неврологик дефицит

Беморларни даволаш сифати (ДС) уларнинг операциядан аввалги (ОД1) ва кейинги (ОД 2) оғирлик даражасининг (ОД) фарқига қараб аниқланди:

ДС=ОД1 (даволашдан аввал) /ОД 2 (даволашдан кейин), бунда агар ДС<1 бўлса даволаш натижаси қониқарсиз бўлган ҳисобланади; агар ДС=1 бўлса унда даво фойда бермаган бўлади; агар ДС>1 бўлса даволаш натижаси қониқарли бўлган ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган компьютер дастури беморлар клинко-неврологик ва ижтимоий ҳолатини микдор ва сифат кўрсаткичларини оғирлик даражасини интеграл баҳолаш алгоритми ҳисоб-китоб жараёнини автоматлаштиради. Дастурга аввалдан маълум симптомлар киритилган бўлиб, фойдаланувчи маълум симптомни танлаб, ҳисобни амалга ошираверади. Янги фойдаланувчига қулайлик ва таълим мақсадида анимация ва ўргатувчи расмлар жойлаштирилган. Шунингдек, ушбу алгоритм мия устунни шикастининг 3та клиник даражасини кўрсатиши мумкин. Қуйидаги расмда натижалар ойнаси (3-расм) кўрсатилган:

ИНТЕГРАЛЬНАЯ ОЦЕНКА ТЯЖЕСТИ КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНОГО СТАТУСА У БОЛЬНЫХ С ГИДРОЦЕФАЛИЕЙ

Ф.И.О. больного: _____ Номер И/Б: _____ Пол: _____ Возраст (лет): 25 Уровень сознания по шкале Глазго: 15

Щелчок по таким кнопкам, после активации справа находящегося элемента, может вызвать соответствующую картинку или анимацию

Нарушения функции мозжечка | Нарушение стволовой функции | Зрительные нарушения и глазное дно | Социальный статус | Оценка тяжести состояния

Оценка клинко-неврологического и социального состояния

42 Тяжелая степень с выраженной стволовой дисфункцией. Состояние пациента умеренно декомпенсированное, необходимость пациента в постоянной помощи окружающих, нетрудоспособен, грубый неврологический дефицит.

Более подробное описание

Тяжелая степень с выраженной стволовой дисфункцией. Состояние пациента умеренно декомпенсированное, необходимость пациента в постоянной помощи окружающих, нетрудоспособен, грубый неврологический дефицит. ; Резко выраженный гипертензионно-гидроцефальный синдром ; Резко выраженная атаксия; Резко выраженная «полная» стволовая дисфункция. Нистагм вертикальный. Полуптоз. Анизокория. Парез взора в сторону. Симптомы поражения ядер VI пары ЧМН, сходящееся косоглазие. дисфагия, дисфония. девиация языка Уровень поражения: (Средний мозг \Педункулярный уровень) . (Мост \Понтинный уровень) . (Продолговатый мозг \Бульбарный уровень) ; Зрительные нарушения отсутствуют; Застой I ст. (слабовыраженный). На глазном дне справа застой1. На глазном дне слева застой2; Ограничение самообслуживания, требуется постоянная посторонняя помощь. Трудоспособность резко ограничена.

Переход к первой вкладке

Архивация | Очистка | Конец работы


Уровень поражения : Средний мозг (Педункулярный уровень)

Уровень поражения : Варолиев мост (Понтинный уровень)

Уровень поражения : Продолговатый мозг (Бульбарный уровень)

3-расм. Беморларнинг клинко-неврологик ва ижтимоий ҳолатини микдор ва сифат кўрсаткичлари оғирлик даражасининг интеграл баҳолаш алгоритми - натижалар ойнаси.

Беморлар ҳолатининг оғирлик даражаси операциядан аввал ва кейин локализациясига нисбатан баҳоланди. Энг оғир беморлар калла орқа чуқурчаси ўсмалари билан мурожат қилган. (мияча-кўприк бурчаги, 4-қоринча, мияча гемисферасида жойлашган ўсмалар), ундан кейинги ўринда пинеал, хиазма-селляр соха ва ён қоринча ўсмалари, сўнгра таламус ва 3-қоринча ўсмалари билан бўлган беморлар гуруҳи туради. Эътироф этиш лозимки, мияча-кўприк бурчаги, 3-қоринча, мияча гемисфераси ўсмаларида ўсманинг ҳажми ОД билан ўрта даражада корреляция қилинган (4-расм).



г* - усма хажми ва ОД корреляцияси
Барча ҳолатларда ОД1 ва ОД2 орасида фарк $p < 0,01$

4-расм. ОД нинг ўсма локализациясига кўра операциядан аввалги ва кейинги ҳолати ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.


Диссертациянинг «**Иккиламчи окклюзион гидроцефалия билан асоратланган бош мия ўсмаларини хирургик даволаш**» деб номланган бешинчи бобида беморларда ўсмалар 3,4 ва ён қоринчаларда, хиазма селляр сохада, мияча ярим шарларида, таламик сохаларда кузатилиб, уларнинг локализациясига кўра даволаш натижалари таҳлил қилинган. Операция қилинган 443 бемор 2 гуруҳга ажратилган, назорат гуруҳидаги 221 беморда ўсма олиб ташлаш операцияси бажарилган, асосий гуруҳдаги 222 та беморга оккклюзион гидроцефалияни коррекция қилувчи турли операциялар бажарилган. Ўтказилган операция турлари қуйидагича тақсимланади (4-жадвал).

4-жадвал

Беморларнинг операция турлари бўйича тақсимланиши

Назорат	Асосий						
	Комбинациялашган			Паллиатив			
Фақат ўсмани олиб ташлаш	1 боскичли ЭВЦС+ ўсмани олиб ташлаш	2 боскичли ЭВЦС ўсмани олиб ташлаш	Ўсмани олиб ташлаш + Торкильдс ен ВЦС	Аренд т бўйича ТВД	ВПС	Торкиль дсен бўйича ВЦС	ЭВЦС
	221	27	27	80	10	16	5

Беморларнинг оғирлик даражасини интеграл баҳолаш шкаласи бўйича беморларда ўтказилган турли операциялар натижалари 5-расмда кўрсатилган.




5-расм. Жаррохлик амалиёти турига кўра Однинг операциядан аввалги ва кейинги ҳолати динамикаси ва ДС.

Юқори ОД ва даво самараси 2 босқичли ЭЦВС+ўсмани олиб ташлаш операцияси натижаларида кузатилди. Ушбу амалиёт бажарилган беморларда МПД - $2,71 \pm 0,47$, бир босқичли ЭВЦС+ ўсмани олиб ташлаш операцияси ўтказилган беморларда – $2,04 \pm 0,28$ мм, ўсмани олиб ташлаш+Торкильдсен ВЦС бажарилган беморларда – $1,93 \pm 0,16$ ммни ташкил қилди. Назорат гуруҳида МПД – $3,04 \pm 0,97$ мм, яъни ОГЦнинг кучли ифодаланганлиги барча гуруҳларда тасдиқланган.

Операциядан аввал беморларга акустик бош мия устуни чакирув потенциаллари (АМУП) текшируви ўтказилди. Беморларни операция турларига кўра тақсимланганда, маълумотлар таҳлилида, 2 босқичли ЭВЦС + ўсма олиб ташлаш амалиёти ўтказилган беморларда АМУП нормадан 15%га юқори эканлиги аниқланди, бир босқичли ЭВЦС+ўсмани олиб ташлаш амалиётида 13,5%, ўсма олиб ташлаш амалиёти+Торкильдсен ВЦС усулида 12,7%ни, назорат гуруҳида 12,3%ни ташкил этди. Бу маълумотлар патологик жараёнга мия устуни тузилмалари ҳам қўшилганлигини англатади. Асосий гуруҳдаги барча операциялар бош мия чуқур тузилмаларида микрохирургик манипуляция учун мўлжалланган ишлаб чиқилган ретракторлар иштирокида амалга оширилди (Интеллектуал мулк агентлигининг «Нейрохирургик ретрактор» номли фойдали моделга патенти №FAP0100923.06.2015). Мазкур ускуна мия тўқимасини турли жароҳатланишлардан сақлаб, операциядан кейинги натижани яхшиланишига сабаб бўлди.

Диссертациянинг «**Иккиламчи окклюзион гидроцефалия билан асоратланган бош мия ўсмаларида модификацияланган субокципитал йўл ва Торкильдсен операцияси модификацияси**» деб номланган олтинчи

бобида Фрейзер бўйича ўрта субокципитал краниотомия учун таклиф этилган тери кесими Y-симон модификацияси қўлланган холда (6-расм) бажарилган операциялардан олинган натижалар келтирилган.




6-расм. А - тери кесимини белгилаш; Б - субокципитал краниотомия ва биринчи бўйин умуртқаси ламинэктомиясини амалга оширгандан кейин қилинган дуротомия; В - қаттиқ мия пардасининг ажратиб олинган апоневроз билан аутопластикаси.

Операциядан кейинги асоратларни олдини олишда энг муҳим вазифалардан бири қаттиқ мия пардасининг аутотрансплантат қўллаган ҳолда пластикаси ҳисобланади. Ушбу ишни амалга оширишга модификацияланган тери кесими ёрдамида осонлик билан эришиш мумкин. Y-симон тери лахтагининг асосидан ажратиб олинган энса соҳаси апоневрози, қаттиқ мия пардаси дефекти учун энг муносиб ва мустаҳкам аутотрансплантат бўла олиши тажрибалардан исботланди. Бундан ташқари, ушбу модификация Торкильдсен операциясида қўлланиладиган силикон найчани мустаҳкам фиксациясига имконият яратади.


Диссертациянинг «**Иккиламчи окклюзион гидроцефалия билан асоратланган бош мия ўсмаларида беморларнинг жарроҳлик давосининг яқин ва узоқ натижалари**» деб номланган еттинчи бобида операциядан кейинги эрта ва кечки асоратлар, хавф омиллари, уларни бартараф этиш йўллари хақида маълумот берилган. Назорат гуруҳида операция учун тайёргарликка ўртача 9,32 кун, бир босқичли ЭВЦС+бош мия ўсмасини олиб

ташлаш ўтказилган беморлар учун – 6,52 кун, икки босқичли ЭВЦС ва ўсмани олиб ташлаш операциялари ўтказилган беморлар учун – 4,18 кун, ўсмани олиб ташлаш+Торкильдсен ВЦС операцияси ўтказилган беморлар гуруҳига – 6,33 кун вақт сарфланди. Паллиатив операция ўтказилган беморлар гуруҳида: улардан – Арендт бўйича ТВД – 4,1 кун, ЭЦВС – 5,16 кун, ВПС – 7,69 кун, Торкильдсен ВЦС – 6,6 кун сарф этилди.

Операциядан кейин МПД тахлили бўйича қуйидаги натижалар олинди (7-расм). Барча текширув гуруҳларида ликвороциркуляциянинг тикланаётгани ва АМУП кўрсаткичларининг яхшиланганлиги кузатилди (8-расм).



7-расм. МПД нинг операциядан аввал ва кейин ўзгариш динамикаси.



8-расм. АМУПнинг операциядан аввал ва кейинги ҳолати.


Назорат гуруҳида леталлик кўрсаткичи 18,55%ни ташкил этди. Асосий гуруҳда: бир босқичли ЭВЦС+ўсмани олиб ташлашда – 3,7%, икки босқичли ЭВЦС+ўсмани олиб ташлашда – 14,81%, ўсмани олиб ташлаш+Торкильдсен ВЦС гуруҳида – 33,75 %. Арендт бўйича ТВД – 50 %, ЭЦВС – 5,77%. Энг юқори постоперацион леталлик кўрсаткичи ўсмани олиб ташлаш

+Торкильдсен бўйича ВЦС ва тезкор Арендт бўйича ТВД бажарилган беморларда кузатилди. Энг яхши натижа 2 босқичли ЭВЦС+ўсмани олиб ташлаш операцияси ўтказилган беморларда аниқланди. Беморларнинг яшаш даври асосий гуруҳ беморларида ишончли даражада ошди ($p=0,02$). Беморларни даволаш тактикаси схемаси ишлаб чиқилди (9-расм).



9-расм. ОГЦ билан асоратланган бош мия ўсмаларини даволаш алгоритми.

Ушбу алгоритмга кўра ўсмалар ҳажми, ОГЦ даражаси ва жарроҳлик услубини аниқловчи дастур ишлаб чиқилди ва у операция ўтказилган беморларда ОГЦнинг қай даражада камайганини назорат қилишга МПДни ўлчаш ва операциянинг қай даражада радикал ўтганига баҳо бериш имконини берди (10-расм).



10-расм. Бош мия ўсмалари ҳажмини, ОГЦ даражасини аниқловчи ва жарроҳлик услубини аниқловчи дастур - хулосалар ойнаси (А) , ўсма ҳажмини аниқлаш ойнаси (Б), МПД ўлчаш ойнаси (В).

ХУЛОСА

